

МЕҲР-МУРУВВАТ, САХОВАТ, АҲИЛЛИК ВА ШУКРОНАЛИК ОЙИ — РАМАЗОН БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!



O'zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
18-fevral
chorshanba
№ 7 (1485)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan

www.uzhurriyat.uz



hurriyatuz@mail.ru



t.me/hurriyatuz



Hurriyat gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ:

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ:

ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР ЛОЙИҲАЛАР ОРҚАЛИ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбек диаспораси АҚШда ўзининг иқтисодий ишторикини мустаҳкамламоқда, миллий анъаналарни сақлайдиган, ватандаги ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлайдиган ва халқимизнинг бой маданий меросини тарғиб қилиш орқали икки мамлакат ўртасидаги ўзаро тушунишни яхшилашга ҳисса қўшаётган лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бу воқеалар, ўз навбатида, давлатлар ўртасидаги бўлажак расмий учрашувлар учун ижобий контекстни шакллантиради.

АҚШда ўзбек диаспорасининг фаол ишторикига янги миллий савдо марказининг очилиши мисол бўла олади. Американинг Пенсильвания штатидаги Филаделфия шаҳрида "Asr" ўзбек супермаркетининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу лойиҳа Филаделфиядаги ўзбек диаспораси вакиллари томонидан амалга оширилди. Тантанали тадбирда ўзбек жамоатчилиги билан бир қаторда турк, фаластин, афғон, рус ва украин диаспоралари вакиллари ҳам иштирок этди.

"Asr" супермаркетининг очилиши Нью-Йоркда фаолият юритаётган "Tashkent" ўзбек супермаркетлар тармоғи сингари АҚШдаги миллий савдо инфратузилмасининг муҳим бўлагига айланди. Филаделфиядаги янги марказ кенг турдаги маҳсулотларни, жумладан, Ўзбекистондан импорт қилинган товарларни тақдир этмоқда.

Супермаркетда нафақат савдо қилиш, балки миллий пазандачилик анъаналарини сақлаб қолиш учун ҳам барча шароитлар яратилган. Бу ерда гўштни ҳалол усулда нимталаш, ўзбек миллий таомларини тайёрлаш учун махсус хоналар ҳамда ташир буюрувчилар тайёр маҳсулотларни тановул қилишлари мумкин бўлган умумий овқатланиш жойлари ташкил этилган. Маҳсулотларнинг юқори сифати ва талабларга мослиги турли миллат вакиллари бўлган хариддорларнинг



доимий қизиқишини таъминламоқда.

Очилиш маросими карнай-сурнай ансамбли ва рақс жамоасининг чиқишлари билан давом этди. Тадбирда сўзга чиққан жамоатчилик вакиллари ва мамлакатимиз дипломатлари бу каби ташаббусларнинг хорижда Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини мустаҳкамлашдаги аҳамиятини алоҳида қайд этди.

Иқтисодий фаолликдан ташқари, АҚШдаги ўзбек диаспораси ватанини қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, жамоатчилик фаоли Отабек Маҳаммов ташаббуси ҳамда АҚШдаги ўзбек диаспорасининг фаоллиги билан Нью-Йоркда Тошкент шаҳрида жойлашган У.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонасида ёрдам кўрсатиш максатига инсонпарварлик акцияси ташкил этилди.

Ушбу ташаббус доирасида диаспора вакиллари ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳ-

тож болаларни қўллаб-қувватлаш максатига бирлашди. Йиғилган маблағлар ҳисобидан замонавий тиббий асбоб-ускуналар, диагностика ва реабилитация муолажаларини ўтказиш учун жиҳозлар, махсус шифобахш озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилинди.

Юборилган ускуналар аллақачон тиббиёт муассасасига етказилган ва шифокорларнинг амалий фаолиятида қўлланилмоқда. Бу неврологик ва психоневрологик касалликларга чалинган болаларга кўрсатилган ёрдам сифатини ошириш имконини беради.

Ушбу инсонпарварлик акцияси Ўзбекистоннинг Нью-Йорк шаҳридаги Бош консулхонаси иштирокида амалга оширилди ва хориждаги ватандошларимизнинг бирдамлиги, уларнинг солиқли сақлаш тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшишга бўлган самимий интилишининг яна бир намунаси бўлди.

Ўзбекистон элчихонаси ва бош консуллигининг

расмий йўналиши бўйича ҳам, халқ дипломатияси имкониятлари орқали ҳам жадал алоқалар маданий соҳада ҳам ўз самарасини бермоқда. Элчи Фурқат Сиддиқов АҚШ Осиё санъати миллий музейи директори Чейз Робинсон билан учрашувда шулар ҳақида батафсил суҳбат қилган.

Учрашувдан қўзланган асосий мақсад Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги маданий ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашиш бўлди. Шу билан бирга, Музейлар соҳасида қўшма дастурлар, академик ташаббуслар ва профессионал алмашинувлари амалга ошириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Суҳбат чоғида Чейз Робинсон Ўзбекистон халқини давлат раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Ислом цивилизацияси марказининг очилиши билан табрикланди. Унинг таъкидлашича, ислом дини Яқин Шарқда пайдо бўлганига қарамай, унинг жаҳон цивилизацияси тарихида муҳим босқич бўлган илмий ва маданий равнақи кўп жиҳатдан Марказий Осиё, жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди билан боғлиқ бўлган.

Унинг фикрича, мамлакатда амалга оширилган кенг қўламли ислохотларни маданий ва интеллектуал ўйғонишнинг янги босқичи сифатида қўриш мумкин.

Томонлар маданий меросни асраб-авайлаш ва оммалаштириш, икки мамлакат музейлари ўртасидаги институционал ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, қўшма кўргазмалар, илмий тадқиқотлар ва мутахассислар алмашинувини ташкил этиш масалаларини қўриб чиқди.

Жорий йилда АҚШ мустақиллигининг 250 йиллиги муносабати билан музей директори элчихона билан ҳамкорликда ўзбек маданияти ва мамлакатнинг сайёҳлик салоҳиятини оммалаштиришга бағишланган дастурларни амалга оширишга тайёригичини билдирди.

Ўзбекистон музейлари билан тўғридан-тўғри

ҳамкорлиқни йўлга қўйиш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди. Чейз Робинсон барқарор ва узоқ муддатли шериклиқни шакллантириш мақсадида республиканинг тегишли музей муассасалари билан ўзаро англашув меморандумларини имзолаш устувор вазифалардан бири эканини таъкидлади.

Учрашув якунида томонлар "Smithsonian Magazine" журналининг Ўзбекистон маданияти ва тарихий меросига бағишланган махсус сонини тайёрлаш ва нашр этиш бўйича амалий чораларни ишлаб чиқишга келишиб олди.

Бундан ташқари, Чейз Робинсон элчихона билан ҳамкорликда Ўзбекистонга режалаштирилган ташриф ҳақида маълумот берди. Ташриф доирасида юртимизнинг бой маданий мероси, тарихий шаҳарлари, меъморий обидалари, замонавий шаҳарсозлик ютуқлари билан танишиш ниятида эканини билдириб, миллий таомларга қизиқиш билдирди.

Мамлакатлар ўртасидаги маданий ҳамкорлик мусиқа йўналишида ҳам ўз ифодасини топомқда. Ўзбекистонлик пианиночи Бехзод Абдураимов илк бор АҚШдаги машҳур Кеннеди-Трамп номидаги санъат марказида Америка Миллий симфоник оркестри ва унинг бош дирижёри – италиялик маэстро Джанандреа Нозеда билан ҳамкорликда уч кунлик концерт дастурини намойиш қилди.

Ушбу концерт дастурининг асосий мақсади – Ўзбекистоннинг маданий мероси, миллий санъати ва туризм салоҳиятини АҚШ жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, икки давлат ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат бўлди.

Элчихона дипломатлари концертнинг дастлабки куни АҚШ расмий доиралари ҳамда ватандошларни концерт дастурига тақдир этиб, Ўзбекистон ҳукумати номидан расмий қабул маросимини ташкил этди.

Мазкур тадбир Ўзбекистоннинг ижобий халқаро имижини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг маданияти ва туризм салоҳиятини тарғиб этиш ҳамда Ўзбекистон-АҚШ ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилди.

Ушбу ташаббусларнинг барчаси – миллий савдони ривожлантириш ва ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлашдан тортиб, маданий алмашинувлар ва мусиқий дастурларгача – Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлиқнинг кенг қўламини намойиш этади. Диаспоранинг фаоллиги ва қўшма лойиҳалар икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш, миллий меросни тарғиб қилиш ва мамлакатнинг хориждаги ижобий имижини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

"Дунё" АА,
Вашингтон шаҳри.

АЧЧИҚТОШ

АЖРИМЛАР:



ШАХСИЙ
ФОЖИАМИ
ЁКИ ЖАМИАТ
ИНҚИРОЗИ?

Нега оилалар
парчаланаяпти?
Бу ҳолатга
ким жавобгар:
фақат
эр-хотинми
ёки...

Бу мавзу бугун жамиятда тобора кўпроқ муҳокама қилинмоқда. Ажримлар фоиз ҳисобида кўпайган, никоҳ ва туғилишлар сони камайган. Расмий статистика ортда эса фақат рақамлар эмас, балки парчаланган оилалар, руҳан жараҳат олган болалар ва оғир ҳаётий синовлар билан юзма-юз қолган аёллар тақдирини туйибди. Ажримга фақат оилавий келишмовчилик сифатида қараш бугунги кунда етарли эмас. Бу — ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий муаммолар кесишган нуқта.

МУАММОНИНГ ИЛДИЗИ

Мутахассислар таъкидлашича, ажримлар сабабини бир омил билан изоҳлаб бўлмайди. Иқтисодий қийинчиликлар, ишсизлик, уй-жой масаласи, ёшларнинг оилага маънан тайёр эмаслиги, маънавий муаммолар, эр-хотин ўртасида мулоқот маданиятининг заифлиги — буларнинг барчаси муаммони чуқурлаштиради. Айрим ҳолларда эса оила

қуриш масъулиятига юзаси қараш, сабр ва муаммони ҳал қилиш қўниқмаларининг йўқлиги муносабатларнинг ўзгаришига олиб келмоқда.

Афсусланарли жиҳати шундаки, қўллаб оилаларда муаммо ажрим даражасига етгунча ҳеч қандай мутахассис ёрдамига мурожаат қилинмайди. Оқибатда кичик келишмовчиликлар катта фожиага айланади.

ЭРТА АРАЛАШУВ...

— Ажримларни камайтиришда энг самарали йўл — профилактика. Амалиёт шуни кўрсатаяптики, оилалар бизга кеч мурожаат қилади, — деди Навоий вилоят ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Малика Мамадиёрова. — Агар муаммо бошланиш босқичида психологик, ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилса, қўллаб-никоҳларни сақлаб қолиш мумкин.

3-6.

АРАФА



ОЛТИН БИЛАН ЁЗИЛГАН СЎЗЛАР

Тарихий манбаларда қайд этилишича, "Зафарнома" аслида подшо Анушервонни одил учун унинг вазири Бузургмеҳр томонидан битилган ҳикматлар мажмуасидир. Абу Али ибн Сино Нух ибн Мансур Сомоний кўрсатмаси билан уни милодий 997 йилда қадимда қўлланилган паҳлавий тилидан форсийга ўғирган. Бу рисола асрлар мобайнида энг нодир асарлар қаторида авайлаб-асраб келинган.

Одил Анушервон замонида ҳеч нарса ҳикматли сўздек қадрланмас, у давр донишмандлари гоёат эътиқодли ва пок-домон эдилар.

Айтишларича, бир куни Анушервон Бузургмеҳрни ҳузурга чақириб, деди:

— Ҳаётий тажрибалардан туғилган ҳикматларни жамла-сангиз. Сўзи иложи борица ихчам, лекин маъноси кенг бўл-син. Токи дунёдаги жамики инсонларга фойдаси тегсин.

Бузургмеҳр бир йил муҳлат сўраб, бу сўзларни жамлади. Унга "Зафарнома" деб ном қўйди ва Анушервон ҳузурига олиб борди. Китоб шоҳга маъқул бўлди.

8-6.

ЎЗЛИК



БУЮК ТЕМУР — ЕВРОПА ХАЛОСКОРИ

Жаҳон тарихини ўзгартириб юборган, оламшумул ишлар қилган инсонлар санокчи. Буюк Темур, шак-шубҳасиз, ана шундай шахслардан бири. Хорижда Темур ҳақида ёзилган асарларнинг мутлақ кўпчилигида Турон ҳукмдорига нисбатан "буюк" сифати қўшиб ишлатилади. Лекин Буюк Темур ўз юртида ҳамон "Амир Темур", "Соҳибқирон Амир Темур", "Амир Темур Кўрагон" ва "Темурбек" деб атаб келинмоқда. Буюклигини дунё эътироф этган Темур бобомизнинг номига унинг авлодлари нима учун "буюк" сўзини қўшиб ишлатмаймиз? Бунинг сабаби нимада? Ана шу саволларнинг жавоби мени роса уйлантириб юрар эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 5 февралда имзоланган "Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ана шу кентиклиқни бартараф этиш йўлида ташланган катта қадам бўлди!

Кўпчилик биладики, жаҳон тарихи, фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган шахслар номига "буюк" сифати қўшиб ишлатилади. Шу боис жаҳонда Темурни кўпчилиқ "Буюк Темур" деб атайдилар. Хорижда Темурга бағишлаб ёзилган асарларнинг аксарияти шундай номланади. Бизда эса унинг номига бошқа сифатлар қўшиб ишлатилади, яъни "Амир", "Соҳибқирон", "Кўрагон" ва "Темурбек". Темурни "Амир Темур" деб аташ эса, менимча, ҳатто руҳи-миза ҳам сингиб кетди.

1. "АМИР". Темур туғилиши бўйича амир эди. Яъни у ҳаётида ҳеч қандай уюққа эриша олмас ҳам, жиддийроқ амалга чиқа олмас ҳам,

туғилган вилояти Кешдан ташқари чиколмас ҳам барибир Амир Темур бўлиб қолаверарди. Сўзининг исботи сифатида темуршунос олимлар Бўрибой Аҳмедов ва Абдулаҳад Мухаммаджоновларнинг "Соҳибқирон Амир Темур (1336-1405)" мақоласидан иқтибос келтираман: "Амир Темур, Темурбек (тўлиқ исми Амир Темур ибн Амир Тарағой ибн Амир Барқул)... Отаси Амир Тарағой эса барлос уруғининг оқсоқолларидан ҳамда Чигатой улусининг эътиборли бекларидан ҳисобланган. Унинг аждодлари Кеш вилоятида ҳокимлик қилишган".

2-6.



MEPOS

Ғофур кизик ва “Норин аскиячилари”

Водий аскиячилик мактабининг ўзларидан сув ичиб келадиган Наманган аскиячилиги ҳам ўзига хосдир. Норин тумани маданият марказида ташкил этилган “Норин аскиячилари” гуруҳининг ўрни ва роли миллий санъатимизнинг бугунги ривожланиш босқичида юқори баҳоланмоқда.

Маълумки, аския орқали тингловчиларнинг кайфияти кўтарилади. Қолаверса, тингловчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстириш билан

кистон”, “Ўзбекман”, “Юртим” номли Ватанни, мустақилликни шарафловчи шеърлари маҳаллий санъаткорлар томонидан қўшиқ қилинган ва маданий-маърифий тадбирларда омма эътиборига ҳавола этилган.

Ғ.Мирзаев миллий урф-одатларимиз, халқ оғзаки ижоди йўналишидан ташкил топган ўлан, лапар, катта ашула, халқ ўйинлари каби фольклор-этнография жанрларининг замонавий талқинида ижро этилишига ҳам эътибор қаратиб, “Бой бува”, “Тўйлар муборак”, “Норин на-



бир пайтда аския инсон тафаккурининг ривожланишига хизмат қилади. Кулгига олинган муайян муаммонинг танқид қилинишини ҳам кузатиш мумкин. Аскияни тушунганлар ўз ҳаётларида камчиликларга йўл қўймасликка интилади.

“Норин аскиячилари” гуруҳи туман маданият маркази раҳбари Ғофуржон Мирзаев томонидан 2002 йилда аския пайровлари билан ижод қилувчи “Аскиячи йигитлар” номи билан ташкил этилган. Жамоа халқ оғзаки ижодининг ноёб йўналишини тиклаб, туман ва вилоят миқёсида оммалаштириб келмоқда. Айниқса, ёшларга аския санъатини ўргатиш билан бирга кенг омма ўртасида тарғиб ҳам қилмоқда. Номоддий маданий меросимиз — аския ва қизқичлик санъатини ривожлантириш бўйича мактаб яратган фарғоналиклар таъсири наманганлик санъат шинавандалари қизқишларини жиддий ниятга айлантиргани муболаға эмас.

Ғофуржон Мирзаев адабиётнинг шеърят йўналишида ҳам ижод қилади. Унинг “Ватан мадҳи”, “Озод диёр”, “Биз ҳеч кимга қарам бўлмаймиз”, “Наврўзинг муборак!”, “Ўзбе-

волари”, “Ҳашар”, “Халфана”, “Ўзбек халқ ўйинлари”дан иборат дастурларни яратган. “Қуроқ, елпигич, ўроқ-машоқ” номли фольклор дастурлари Ўзбекистон телерадиокомпанияси томонидан тайёрланган республика



QATRALAR



Муаллиф ҳақида:

Муҳаммад СИДДИҚ Андижон вилояти Бўстон туманида таваллуд топган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

“Ишқ дарди”, “Юрт соғинчи”, “Пастлаб учган турналар”, “Мусофир дарахт” номли шеърӣ китоблари чоп этилган.

Ҳозирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ишлайди.

ОНАМ...

Кейинги пайтларда нима ёзсам, ўз-ўзидан онамга бориб тақалаверади. Ёзмасам, юрагимга қадалган соғинч тинчлик бермайди. Аслида, онасини йўқотган бир мен эмасман-ку. Бировларнинг юрагини эзиб ёзмай қўя қолай дейман-у, барибир ўзим билиб-билмай яна ёзиб қўявераман.

Кеча тушдан кейин бир иш билан Сайёра Тўйчиевага кўнғироқ қилдим. Опа овозимни эшитиши билан: “Вой, укажон, ўша кўни сизга билмай кўнғироқ қилибман. “Ийги аралаш: “Йўлдаман, онам...” дегандингиз. Юрагим шув этиб кетди...”

Опанинг қолган гаплари қўлоғимга кирмади. Ярам янгиланди. Хайрлашдимми-йўқми, билмайман ҳам. Хонамнинг эшигини қулфлаб олиб, кўзимда ёш, бошимда чарх ураётган оғриқли хотираларни яна қораладим.

ПАЙПОҚ

Ҳар гал қишлоққа борсам, онамнинг қўлларига озми-кўпми пул тутардим. Онам пулни олиб, ёш боладай қувониб кетар, фалаж қўлларини соғ қўлининг устига қўйиб, қафтларини очганча мени узоқ дуо қиларди. Кейин ўша пулларни авайлаб пайпоғининг ичига яшириб қўярди. Онамнинг пайпоғи ичидан мендан бошқалар берган пуллар ҳам бўларди.

Қайтар чоғим онам мени қўйиб юборгиси келмасди. Мен бўлса, “Ҳозир қайтаман, кўчада ишим бор”, деб онамни чалғитмоқчи бўлардим. Аммо онам ҳаммасини билиб турарди. Кейин мени имлаб ёнларига қақриб, пайпоғи ичидан бир сижим пул олиб берарди. “Довонда овқатланасиз бу пулларга”, — дерди.

О, бу пуллар мен учун жуда қадри эди. Гарчи чўнтагимдан ҳар доим шамол айланиб турса ҳам, бу пулларни узоқ вақт ишлатмай сақлаб юрардим. Улар билан ўзимни дунёдаги энг бой одам ҳис қилардим. Ҳозир ўйласам, мен учун дунёдаги энг катта банк — онамнинг пайпоғи экан. Баъзан бу ўткинчи дунё кўзимга онамнинг пайпоғичалик қадри йўқдек кўринади...

ДОВОН

Довондан ошиб ўтиш мен учун ҳар доим жуда ҳаяжонли кечарди. Наздимда доvon улкан-улкан қоялардан иборат катта тоғлар эди. Энди пайқаб қолдим: аслида доvon бир тепалик экан, холос. Онамдан кейин ундан ошиб ўтиш завқу шавқ бермай қўйди. Довондан пастга эниш ундан-да завқли эди. Гўё у тарафида жаннат боғларидан бири бордек эди. Буларнинг ҳаммаси онам билан кетди-қўйди.

Энди у ёқларга боришни ўйласам, кўз олдимга биринчи галда Маслаҳаттепа келаваради. Илгарилари у жой кўримсиз эди. Ҳозир у ерда жаннат боғларидан бири бор. Чунки у ерда онаизорим ётибди...



QAYRAT



“ТАБИАТ ЭСХОНАСИ”ДА

(Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли мунаққид
Иброҳим ҒАФУРОВга мактуб)

Ирландиялик машҳур ёзувчи Жеймс Жойс асарларини адибнинг ўз тилида ўқий олганимда, рус тилига ўғирилганларининг ҳам муносиб шайдоси бўлганимда, сизнинг таржимангиздаги “Улисс”ни қиёсан ўрганардим. Аммо асарни ўқиш жараёнида фақат ўзингизга хос маҳоратни ҳис қиламан ва Жойс ўзбек тилини мукаммал ўрганиб, ўз асарининг ўзбекча қиёфасини кўрганда эди, ундаги топилма иборалар, ташбеҳлардан ҳайратланарди, ишлатилган туркий сўзлар маъносини сиздан сўрарди, деб ўйлайман. Шу маънода биргина “табиат эсхонаси” иборангиз кишини мулоҳазага чорлайди.

Инсон учун табиатнинг қалби бор, хотираси бор. Ташландиқ ер боғ-роққа айланганидан кейин боғбоннинг орзуи ушалади, ҳосил қувончига айланади. Масалан, бугунги кунда ҳам қўзатилаётган ҳолат — тайёр боғни арзон-гаровга сотиб олишни истовчилар, боғнинг ўрнига қурилиш қилишни кўзловчиларга бундай орзу-қувонч насиб этадими? Улар табиатнинг қалби ҳақида ўйлайдими? Жойс ана шундай моҳирлар “табиат эсхонаси”да туради, деган ғояга асосланади. Шунинг учун табиат билан омухта ҳолда қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларидан фалсафий ҳулоса чиқаради. У қайси воқеани ифодаласин ва бу воқеа қандай даражада бўлмасин, ўзига хос ҳикматга асосланади. Маҳорат, асосан, ана шу жараёнлар ифодасида кўринади.

Жойс болалигидан одам боласи феълени табиат уйғунлигида ўргана бошлаган ва бу одат кексалигигача сақланган ёзувчи. “Улисс”нинг илдири ана шу хотиралар, ҳулосалар заминидир. Бунга бир мисол. Стивен Сержент деган болага бир мисолни ечиб кўрсатиб, бошқасини ўзи ечишини айтади. Уни зимдан қўзатиб тураркан, кўнглидан шундай кечинма ўтади: “Сержент узун, хилвирак харфлар билан мисолни қўчириб ўтирди. Унинг қўли доим бир кўмак қўтиб қўнғир-қийишқ сонларни тиришиб қоғозга туширар, рангсиз чехрасида билинар-билинмас ориятнинг нимтатир қизиллиги зуҳур қиларди”.

Ёзувчи мисолни дадиллик билан ечолмаётган боладаги “орият” орқали катталар дунёсига назар солади. Болалиқдаги маъсумлик улғайганимизда йўқолмаслигини истаиди. Унинг мулоҳазаларида болалар ва катталар олами бирлашиб, ажиб тасвирий манзаралар ҳосил қилади. “Мен ҳам шундай эдим, — ўйлайди яна у, — елкаларим шундай пастга букилган, ўмизларим шундай туртиб чиққан эди... Ёнгинамда энкайиб турган болалик. Шундай бир зум енгилгина бўлсин қўл теккизиб қўйай дейсан, нақадар узоқда у. Меники — жуда олис, уники — гоята сирли, бааини бизнинг кўзларимиз каби. Қалбларимиз қора кўрғонларида кўрғонланган қайғули хира сиру асрорларимиз, ўз зулмидан чарчаган сирлар; ўз тахту бахтидан ағдариб ташланмоққа муштоқ золимлар...”

Адибнинг “Эркин бўлиш ўзингизга боғлиқ” деган сўзлари ҳам юқоридаги мулоҳазаларнинг мантиқий давомидир. Киши ҳақиқий деҳқон ёки боғбон бўлса, унинг экини, дарахтлари яйраб ўсади, Оллоҳ уни яхши ҳосил билан сийлайди. Бинобарин, инсон ҳар томонлама эркин бўлолса, бирор иллат бандасига муте бўлмаса, келажакда унинг авлодлари ҳам фақат синов учун ато этилган мол-давлатнигина барака деб биладиган бўлади. Қариндош-уруғлари, яқинлари, қўни-қўшниларига нисбатан оқибатли бўладилар. Бундай оила бошлиғи чинакам бахтли, эркин сақлай олган инсондир. Бу масалани жамият миқёсида олсак ҳам моҳият ўзгармайди. Нафс йўлидаги амалдорлар “каллеси ғойиб бўлган”лардир. Ундайлардан пул, ҳазм бўлмаган овқатлар ҳиди анқиб туради. Улар учун тарих қулоққа кўп чалинган зарбулмасал, Ватан эса қарзга пул олиб турадиган ғазна бўлиб қолади.

Жойс қаҳрамонлари ақлли, синчков, айёр, ҳушёр ва ҳозиржавоб. Илгари ҳам айтганимиздек, улар бир-бирларининг устларидан қулишади, камситишади. Аммо сўзларининг бир четиди фазилат юлдузи порлаб, қусур тумани уни инсониятга кўрсатмасликка уринади. Ойначага қараб соқол олаётган Бак Маллиган ойначани хизматчи хотин Урсуландан ўмаргани, бу чўрини ҳоласи шахвоний вавасалардан сақламақчи бўлиб хизматига олганини айтиб хоҳолаб қулади. Ойначага қаттиқ тикилиб қолган Стивен уни кўзларидан нари суриб, суҳбатдошини калака қилишга ўтади.

— “Юзини ойнада кўролмайдиган” “Колубанинг қаҳрли нигоҳи” (Оскар Уайльдининг “Дориан Грей” асари сўз бошиси)дан —таржимон изоҳи), — деди у. — Қанийди Уайльд сени кўрсайди”.

Стивен ҳам Маллиганнинг истеҳзоли сўзларига жавоб қайтаради. “Ўзини орқага ташлаб Стивен бармоғи билан ойначани кўрсатди.

— Бу ирланд санъатининг рамзи, — деди у аламчи, — Чўрининг дарз кетган ойнаси.

Маллиган қутилмаганда дўстига тан берди. — Сенинг жигинга тегиш эмас-а, тўғрими? — эркаланди Маллиган. — Уларга (андишаси иллатига озиқ бўлганлар назарда тутилади — И.А.) қараганда қанчалар ақлли эканлигининг бир худого аён”.

Ёзувчининг бу тахлит ифодалари дунёвий аҳамият касб этади. Бунда Шарқни ҳам, Ғарбни ҳам бирдай кўрасиз. Бунинг ҳосиласи ўлароқ у Стивендай ўз соҳаси — математика фанини чуқур билиш билан қиёфаланмайдиган, тарих ва сиёсат ботида малакаси бор, ўтмиш ва келажакка теран нигоҳ ташлайдиган, мулоҳазаларида фалсафа ифори анқиб турадиган, ҳар қандай масалани ҳозиржавоб, ўрни келганда ақлли-айёр сифатида намоён бўладиган адабий қаҳрамонлар яратди.

“Риэзиёт белгилари худди шўх ҳабаш ўйинга сакрагандай саҳифа узра уйноқлашар, — деди Стивен бир ўринда, — квадрат ва кублар ажойиб қалпоқчали кўзбўлоғич нироблар қийиб олганга ўхшашарди... Зулмоний зотлар ўзларининг қулгили кўзларида дунёнинг тушуниб бўлмас дилини акс эттирганлар, нур ичиди нурланган зулмат ва зулмати қоршимаган нур”.

Жойснинг ўзига хослиги шундаки, бир воқеа баёнида оқ ва қора туйғулар жой алмашиб туради. Гоҳ қоп-қора зулмат ичиди қолиб кетгандай бўласиз. Гоҳ ёруғлик нашидасини ҳис қиласиз. Аслида, ҳаёт ҳам шундай эмасми?

Қадри устоз Иброҳим ака! Сизнинг бундай бетакор асарлар (хусусан, Фёдор Достоевскийнинг асарлари каби)ни она тилимизга маҳорат билан таржима қилганингиз учун минг бора ташаккурлар бўлсин! Назаримда, Фёдор Достоевский, Чингиз Айтматов, Жеймс Жойс сингари адиблар хатто ўзбек тилида ёзганларида ҳам сизнинг улар асарларини қилган таржималарингиз даражасида битишга бўлишар эди. Бунга шубҳам йўқ.

Илҳом АХРОР.

